

Х У К М  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2021 йил ноябрь ойининг 02 куни жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи К.Рахимов, М.Махмудовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси – Фарғона шаҳар прокурори катта ёрдамчиси А.Хапизов, судланувчи ХХХХХ ва унинг ҳимоячиси-адвокат Ў.Мамажонов ҳамда жабрланувчи ХХХХХнинг иштирокида, ХХХХХ ХХХХХ ХХХХХга нисбатан 1-1501-2104/1756-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

ХХХХХ ХХХХХ ХХХХХ (ХХХХХ ХХХХХ ХХХХХ) – 1992 йил 17 сентябрда ХХХ вилояти ХХХ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оиласи билан ажрашган, бир нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам, жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2021 йил 04 май кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан 57-моддаси қўлланилиб, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинмаган ҳолда 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, жазони 2021 йил 04 май кунидан ўтаётган, ХХХ шаҳар, “ХХХ” МФЙ, ХХХ кўчаси ХХ-ўтиш йўли ХХ-уйда яшаган, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 13 октябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини эшитиб, тарафларнинг музокара сўзларини, судланувчининг музокара, ҳимоя ва охириги сўзини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи ХХХХХ ХХХХХ ХХХХХ алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2020 йил февраль ойида ХХХХХ ХХХХХ ХХХХХни ишончига кириб, Фарғона шаҳрида ундан жами 500 пачка болалар таглиги ҳисобланган “Pampers” маҳсулотларини 41.500.000 сўмга сотиб олишга келишиб, ишончига кириш учун 21.000.000 сўм миқдорида пулларни бериб, қолган пулларини бир ҳафта ичида беришини ёлғондан айтиб, уни алдаб, бериши лозим бўлган 20.500.000 сўм миқдордаги пулларни бермасдан, фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, дастлабки тергов ва судда аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсларга ушбу “Pampers” маҳсулотларини сотиб юбориб, сотувдан тушган пулларни ўзинг эҳтиёжи йўлида сарфлаб юборган.

Судланувчи ХХХХХ ХХХХХ ХХХХХ судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам ХХХХХ ХХХХХ ХХХХХ билан Тошкент шаҳар



“ООО Адлер груп” фирмасида бирга ишлаганини, XXXXX Фарғона вилояти бўйича агент бўлиб ишлаганини, 2020 йил февраль ойида XXXXX унга болалар таглиги, яъни памперс олди-сотдиси билан шуғулланаётганини, бироқ ишини юрита олмаётганини айтиб, ундан ёрдам сўраб мурожаат қилганини, XXXXXга шерикчиликда ишлашни айтганини, шунда XXXXX унга “Прима” памперсларини жўнатишини айтиб, 500 пачка жами 41.000.000 сўмлик памперсларни жўнатганини, ушбу “Прима” памперсларини барчасини мижозларига сотиб юборганини ва XXXXX билан Фарғона шаҳрига киришдаги дарвоза ёнида кўришиб, унга сотувдан тушган пуллардан 21.000.000 сўм нақд пулларни олиб келиб берганини, қолган пулларни бир ҳафтада беришга келишишганини, шундан сўнг ўзини ишлари юришмай орқага кетганини, қолаверса, карантин эълон қилинганини ва савдо ишлари ҳам юришмаганини ва XXXXXга келишилган пулнинг 20.500.000 сўмини бера олмай қолганини, сўнг Наманганда бўлган қарзлари ҳисобидан унинг устидан аризалар тушганини ва унга нисбатан жиноят иши кўзғатилиб, Наманган шаҳар судининг 2021 йил 04 май кунги ҳукми билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинганини, XXXXXга жазони ўтаб чиққанидан сўнг албатта пулларини беришини, лекин унга қадар имконияти йўқлигини, чунки ҳозирда ўзи жазо ўтаётганини, яқин қариндошларини ҳам ушбу зарарни қоплашга моддий имкониятлари йўқлигини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, суддан енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи XXXXX XXXXX XXXXX судда, XXXXXни 2019 йилдан буён танишини, у билан Наманган “Прима” памперслари фирмасида бирга ишлашганини, XXXXX Наманган филиалида, ўзи эса Фарғона филиалида ишлашганини, 2020 йил февраль ойида XXXXX фирмадан ишдан кетганини, шундан сўнг XXXXX унга водийда “Дубай” сухарикларини дилерлигини олаётганини, сухарикларни Фарғонада сотишни таклиф қилганини, сўнг уни Наманган шаҳридаги ота-онасининг уйига борганини, у ерда ҳақиқатдан ҳам кўп миқдорда “Дубай” сухариклари бўлганини, унга Фарғона шаҳрига бориб ҳисобини чиқариб, ундан қанча миқдорда сухариклардан олишини айтишини билдириб, уйга келиб ҳисоб-китоб қилиб, XXXXXга қўнғироқ қилиб, ўзига керакли миқдорда сухарик сўраганини, у ҳисоб-китоб қилиб оладиган сухариклари 5.700.000 сўм бўлишини, уларни 90-640-83-43 рақамини ишлатувчи “Портер” автомашинасида XXXXX унга 5.700.000 сўмлик “Дубай” сухарикларини жўнатганини, ушбу сухарикларни қабул қилиб олиб, бир ҳафтада сотиб пулларини тўплаб, ўртоғи XXXXX билан бирга XXXXXни Наманган шаҳридаги уйига 5.700.000 сўм “Дубай” сухарикларини пулларини олиб бориб берганини, XXXXXга памперс олди-сотдиси билан ҳам шуғулланаётганини айтганида, XXXXX унга Наманган шаҳрида жойлашган “Сардоба” бозорида улгуржи тарзда памперсларни сотиб оладиган танишлари кўплигини айтиб, унга ҳам памперс жўнатишини сўраганини, шунда XXXXX билан памперсларни унга пачкасини 83.000 сўмдан беришга келишиб, унга 500 пачка памперсларни жўнатадиган бўлганини, унга агар пули бўлса, қанча кўп жўнатса шунча памперс сотиб беришлигини айтганини, шундан сўнг ўртоғи XXXXX билан банкдан кредит олиб, фирмадан 500 пачка “Прима” памперсини



нақд пулга сотиб олишиб, бу ҳақида ХХХХХга маълум қилганини, ХХХХХ уни ёнига “Прима” памперсларини аввал унга “Дубай” сухариклари олиб борган автомашинани юборишини ва памперсларни пулини ярмини шу куни, қолган ярмини эса бир ҳафта ичида жўнатиб юборишини айтиб, ўша куни ХХХХХ айтган ҳайдовчига автомашинасида келганини ва унга ХХХХХ билан уни уйдан 500 пачка жами 41.500.000 сўмлик “Прима” памперсларини юклаб жўнатиб юборишганини, ХХХХХ унга кўнғироқ қилиб памперсларни қабул қилиб олганлигини айтганини ва шу куни кечқурун ХХХХХ ўзи, дадаси ва аяси дадасининг “Нексия-2” русумли автомашинасида Фарғона шаҳрига келиб, Ҳаммабоп чойхонаси ёнида унга памперсларнинг ярим пули, 21.000.000 сўм миқдордаги пулларни бериб, қолган 20.500.000 сўмини бир ҳафтада жўнатиб юборишини айтиб, ташлаб кетишганини, бироқ орадан бир ҳафта ўтса ҳам ХХХХХ пулларни бермаганини, шундан сўнг ХХХХХ турли баҳоналар қила бошлаганини, унга бир неча бор кўнғироқ қилганини, лекин кўнғироқларига жавоб бермаганини, шундан сўнг орада карантин бошланганини, карантин енгиллашган вақтда ХХХХХларни уйига борганини, аммо ХХХХХни топа олмагач, уни дадасининг уйига борганида дадаси ХХХХХни касаллигини баҳона қилганини, шу тариқа 2020 йил ноябрь ойига қадар ХХХХХ пулларини бермаганини, унинг яшаш хонадонига бориб, у билан ўзаро суҳбатлашган вақтида уни устидан фуқаролар ариза билан мурожаат қилганини ва тергов кетаётганини баҳона қилиб, уни 20.500.000 сўм миқдордаги пулларини бермасдан, 2020 йил 01 декабрь куни 1.000 АҚШ доллари миқдорида пул беришини айтиб уни алдаганини, шундан сўнг уни уйига яна бир бор борганида, у билан бўлиб ўтган суҳбатни телефонида ёзиб олганини, кредит олган бўлгани учун кредитни тўлай олмай қолганини ва ХХХХХни ҳаракатлари устидан Фарғона шаҳар ИИОга ариза билан мурожаат қилганини, ҳозирга қадар унга етказилган зарар бартараф этилмаганини билдириб, суддан ХХХХХдан унга етказилган 20.500.000 сўм миқдоридаги зарарни ундириб беришни ва унга қонуний чора кўришни сўради.

Гувоҳ ХХХХХ судда, ҳақиқатдан ҳам ўртоғи ХХХХХ ХХХХХ ХХХХХ билан бўш вақтларида бирга юриб, савдо ишларида ёрдам бериб туришини, 2020 йил февраль ойида ХХХХХга Наманган шаҳрида кейинчалик танигани ХХХХХ “Портер” русумли автомашинада “Дубай” сухариклари юборганини, ХХХХХ иккиси ушбу сухарикларни бир ҳафта давомида сотиб, пулларини тўплашганини ва ХХХХХ билан бирга сухарикларни пулини бергани Наманган шаҳрига, ХХХХХнинг яшаш уйига бориб унга “Дубай” сухарикларининг 5.700.000 сўм пулини беришганини, ўша вақтда ХХХХХ ХХХХХга ўрталарида сухариклар бўйича ҳеч қандай олди-берди қолмаганини айтиб, ХХХХХга Наманган шаҳрида жойлашган “Сардоба” бозорида бирданига улгуржи миқдорда памперсларни сотиб оладиган танишлари кўплигини, ҳар қанча бўлса ҳам памперс олиб сотиб беришини айтганини, ХХХХХ “Прима” памперсларининг бир пачкаси фирмада 82.000 сўм эканлигини айтиб, ўзининг фойдаси билан 83.000 сўмдан олиб беришини айтганини, шунда ХХХХХ памперсларни пачкасини 83.000 сўмдан жўнатишини айтиб уни ишонтирганини, сўнг ХХХХХ билан



банкда кредит олишганини, шахсан ўзи 15.000.000 сўм кредит олганини, ХХХХХ қолган пулни қўшганини ва ХХХХХ билан фирмадан 500 пачка “Прима” памперсини нақд пулга сотиб олишганини, сўнг ХХХХХ бу ҳақида ХХХХХга қўнғироқ қилиб айтганини, кейин ХХХХХ памперсларни олиб кетиш учун юборган “Портер” автомашинасига уни уйдан памперсларни юклаб, жўнатиб юборишганини, шу куни кечаси ХХХХХ уйидагилар билан у келиб ХХХХХга Ҳаммабоп чойхонасини ёнида товарларни ярим пулини, яъни 21.000.000 сўм миқдорда пул бериб кетганини ХХХХХ айтганини, шундан сўнг орадан вақт ўтиб ХХХХХ унга ХХХХХ унга памперслар учун бериши керак бўлган пулларни бермаётганлигини айтганини, орада ХХХХХни уйига бир неча маротаба памперсларни пулини сўраб боришганини, ҳар сафар боришганида, ХХХХХ ё уйида бўлмаганини ёки уйдан чиқмаганини, шу тариқа 2020 йил ноябрь ойида ҳам ХХХХХ билан ХХХХХнинг яшаш хонадонига боришганини, у ташқарида қолганини, ХХХХХ телефонини диктофонини ёкиб бир ўзи уни уйига кириб кетганини ва анча вақтдан кейин қайтиб чиқиб, ХХХХХ қолган 20.500.000 сўм миқдордаги пуллардан 2020 йил 01 декабрь куни 1.000 АҚШ доллари миқдордаги пулларни беришини ва қолганини 2021 йилни узоғи январь ойида топиб беришини айтганлигини, шундан кейин ХХХХХ 2020 йил 01 декабрь куни пулларни бермаганини, ўша куни ХХХХХни уйига боришгани, лекин эшикни ҳеч ким очмаганини, ҳозирга қадар ХХХХХ ХХХХХдан олган памперсларини пулини бермаганини билдириб кўрсатув берди.

Судланувчи ХХХХХнинг содир этган жинояти унинг судда ўз айбига тўлиқ иқроп бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, жабрланувчи ХХХХХ ва гувоҳ ХХХХХларнинг суддаги кўрсатувлари, шунингдек, жиноят ишида мавжуд бўлган ва судда текширилган хабарнома (и.в.5), ХХХХХнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига Ишонч телефони орқали қилган мурожаати (и.в.15), DVD дискни олиш ва ундаги аудио ёзувни эшитиб кўриш ҳамда қайд этиш ҳақидаги баённома (и.в.39-49) ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан тўлиқ тасдиқланади.

Суд судланувчи ХХХХХнинг жиноий ҳаракатларини квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди, яъни “хавfli рецидивист” белгиси билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463-моддасида, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарорининг 5-бандида, судлар ҳукм



ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари кераклиги кўрсатилган.

Иш ҳужжатларига кўра, судланувчи ХХХХХ муқаддам, жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2021 йил 04 майдаги ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан айбли деб топилиб, судланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддасида, шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилиши; илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноят содир этган, ЖКда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, Махсус қисмнинг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши хавфли рецидив жиноят деб топилиши қайд этилган.

Дастлабки тергов органи ХХХХХнинг муқаддам, жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2021 йил 04 майдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-моддаси билан фирибгарлик жинояти учун судланганлигига нисбатан мазкур жиноят иши бўйича 2020 йил февраль ойида содир этган ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш жиноятини хавфли рецидив жиноят деб топиб, ХХХХХни эса хавфли рецидивист деган хулосага келиб, хатоликка йўл қўйган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддасида, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланиши, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги кўрсатилган.

Бундай ҳолатда ХХХХХнинг жиной ҳаракатини “хавфли рецидивист” жиноят белгиси билан квалификация қилиб бўлмайди.

Ишда аниқланган ҳолатларга кўра, ХХХХХ алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мол-мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2020 йил февраль ойида фуқаро ХХХХХ ХХХХХ ХХХХХни ишончига кириб, Фарғона шаҳрида ундан жами 500 пачка болалар таглиги ҳисобланган “Pampers” маҳсулотларини 41.500.000 сўмга сотиб олишга келишиб, ишончига кириш учун 21.000.000 сўм миқдоридан пулларни бериб, қолган пулларини бир ҳафта ичида беришини ёлғондан айтиб, уни алдаб, бериши лозим бўлган 20.500.000 сўм миқдордаги пулларни бермасдан, ушбу пулларни қўлга киритиб, фирибгарлик жиноятини қасддан содир этган.

Юқоридагиларга асосан суд, судланувчи ХХХХХнинг жиной ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” бандидан ЖКнинг 168-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти



тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида, жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги ҳамда 3-бандида, жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, юқорида қайд этилган Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилиб, ХХХХХга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида айбига тўлиқ иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, шахсини, аёллигини, бир нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, оилавий шароитини ҳамда жазони оғирлаштирувчи ҳолат йўқлигини эътиборга олиш билан бирга, жабрланувчига етказилган зарар бартараф этилмаганлигини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 50-моддаси 6-қисми қоидаларига риоя қилган ҳолда у айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашликни;

шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида мазкур ҳукм билан тайинланадиган жазо муддатига жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2021 йил 04 майдаги ҳукми билан тайинланган 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталган қисмини қўшиб ҳисоблаб, жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни;

жиноят оқибатида етказилган моддий зарар масаласини муҳокама қилиб, етказилган зарар бартараф этилмаганлиги сабабли ХХХХХ ҳисобидан жабрланувчи ХХХХХ фойдасига 20.500.000 сўм моддий зарар ундиришни;

бундан ташқари, жиноят иши ашёвий далил деб эътироф этилган ва жиноят ишига қўшилган ХХХХХ ва ХХХХХлар ўртасида бўлиб ўтган суҳбат ёзиб олинган бир дона DVD дискни жиноят ишида сақлашликни лозим деб топди.

Юқоридагиларга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига асосан,

#### Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

ХХХХХ ХХХХХ ХХХХХ (ХХХХХ ХХХХХ ХХХХХ) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

ХХХХХ ХХХХХ ХХХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан 1 (бир) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида мазкур ҳукм билан тайинланган жазо муддатига жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2021 йил 04 майдаги ҳукми билан тайинланган жазонинг



ўталган қисмини қўшиб ҳисоблаб, жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 5 (беш) йил 1 (бир) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2021 йил 04 май кунидан бошлаб ҳисоблансин.

XXXXX XXXXX XXXXXга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргунга қадар аслича қолдирилсин.

XXXXX XXXXX XXXXXдан жабрланувчи XXXXX фойдасига 20.500.000 сўм миқдорида етказилган моддий зарар ундирилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона DVD диск жиноят ишига қўшилганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериш ва прокурор протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

(имзо)

К.Рахимов

Ҳукм нусхаси  
аслига тўғри:

